14 ЯНВАРЬ
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ADVOKAT PRESS
ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
ГАЗЕТА 2021 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
2026 ЙИЛ ЯНВАРЬ, №1(60)

Адвокатлар палатаси Бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқарувининг 9-сонли мажлиси бўлиб ўтди.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг барча ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари (онлайн) ва Адвокатлар палатасининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишни Палата раиси Шухрат Садиков олиб борди.



Кун тартибига мувофиқ, дастлаб Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкилий тузилмалари ҳамда штатлар жадвалларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўрилди. Бошқарув аъзолари иш ҳажми ортганлигидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар бошқармасининг ташкилий назорат ва статистика бўлимига битта қўшимча штат ажратилишига розилик билдирди.

Шундан сўнг Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг 2026 йилдаги таъминоти учун қилинадиган харажатлар сметасини тасдиқлаш юзасидан фикр алмашилиб, Бошқарув аъзоларининг таклифлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2026 йилга мўлжалланган жорий ва истиқболли режалари «Йўл харитаси» ҳам муҳокама қилинган бўлса-да, Палата раиси уни қабул қилишни келаси ойга белгиланган Бошқарув йиғилишига қолдиришни таклиф қилди.

– Унга қадар «Йўл харитаси» яна бир карра кўриб чиқилади, Бошқарув аъзолари ва адвокатларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларидан келиб чиққан ҳолда бойитилади. Қолаверса, режалаштирган ишларимиз, чора-тадбирларимизни тўла ҳажмда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва салоҳиятимизни ўрганиб чиқишимиз керак. Янги йилдаги режаларимизда Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг қабул қилинишига эришиш муҳим ўрин тутади, шу

▶▶▶ давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг нашри

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Шуҳрат САДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси

Сергей ИРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раисининг биринчи ўринбосари, Адвокатлар касб этикаси бўлими бошлиғи

Аслиддин МАХАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари, Адвокатларни касбий тайёрлаш бўлими бошлиғи

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Баҳром САЛОМОВ,
юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Илмий-услубий маслаҳат кенгаши раиси, адвокат (Таҳрир ҳайъати раҳбари)

Ойбек МЎМИНОВ,
«ADVOKAT» журнали бош муҳаррири

Сурайё САЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Бахтиёр УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Ўктам ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Фурқат ЎРОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Сардор МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Отабек ТОШТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Умид БЎТАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Даврон САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқарув аъзоси, «Status Libertatis» адвокатлик фирмаси адвокати

Жамшидбек ШОМУРОДОВ,
Фарғона вилоятидаги «Chorsu Femida» Адвокатлар ҳайъати адвокати, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тафтиш комиссияси раиси

Қобилжон КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги «Qibang law group» адвокатлик фирмаси адвокати

Алишер МУСОХОНИЙ,
Тошкент вилояти «Huquqiy madad» адвокатлик бюроси адвокати, Халқаро Адвокатлар Иттифоқи (Ҳамдўстлиги) Бошқарув аъзоси

Сергей МАЙОРОВ,
Тошкент шаҳар «Simay kom» адвокатлик фирмаси адвокати

Усмонхон САЛОҲИДДИНОВ,
Наманган вилояти «Adolat darchasi» адвокатлик бюроси адвокати

боис Палата ташкилий ресурсларини ана шу масалага қаратган, – дея изоҳ берди Палата раиси Шухрат Садиков.





Кун тартибига Туркий давлатлар адвокатлари ўртасида футбол бўйича халқаро турнир ўтказиш масаласи ҳам киритилган эди. Палата раисининг сўзларига кўра, ўтган йили Туркий давлатлар адвокатура ҳамжамиятлари раҳбарларининг Анқарада бўлиб ўтган учрашувида Туркий давлатлар адвокатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида спорт мусобақалари ташкил қилишга, жумладан, 2026



йил август ойида футбол бўйича биринчи чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олинган. Маълумки, Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотининг фаол аъзоларидан ҳисобланади, ташкилот доирасида интеграция мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб турибди. Муҳокамалар якунида ушбу масала юзасидан якуний қарор қабул қилинди.

Йиғилиш якунида Адвокатлик тузилмалари ташаббускор гуруҳининг мурожаатномаси кўриб чиқилди. Палатага яқинда йўлланган ушбу мурожаатнома Адвокатура кунини белгилаш ҳақида бўлиб, касб байрами сифатида 27 декабрь («Адвокатура тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун) ёки 30 апрель (Адвокатура мавқеини мустаҳкамлаган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясини қабул қилиш бўйича референдум ўтказилган сана)ни танлаш таклиф қилинган. Бошқарув йиғилишида «Адвокатура тўғрисида»ги қонун қабул қилинган 27 декабрь санаси рамзий жиҳатдан адвокатура учун муносиброқ деган тўхтамга келиниб, бу борада таклиф ишлаб чиқиш ва қонунчиликка киритиш мақсадида ваколатли органларга юборишга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим ва адвокатлик ордери билан боғлиқ нормаларнинг ҳуқуқий таҳлили ва такомиллаштириш имкониятлари қай тартибда амалга оширилади?

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимга оид бўлган ҳамда таҳлил қилиниши мумкин бўлган нормалар:

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни бўйича таҳлил қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар:

а) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* билан адвокат ўртасида **ишонч билдирувчи шахс** *(ҳимоя остидаги шахс)* нинг **ўзига** ёки **у тайинлаган шахсга** юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан иборатдир».

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммолар:

– ишонч билдирувчи шахслар доирасини чеклаш масаласи: ишонч билдирувчи шахс тегишли битимда кимларга юридик ёрдам кўрсатилишини тайинлаши мумкин *(яқин қариндошларига ёки исталган шахсга);*

– ишонч билдирувчи шахс томонидан тегишли шартномада юридик ёрдам кўрсатилиши тайинланган шахс адвокат хизматидан фойдаланишни рад қилиши ҳолатларининг таҳлили;

– ишонч билдирувчи шахс сифатида шартнома тузиш имкониятига ҳамда унга юридик ёрдам кўрсатилишини тайинлаб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузувчи таниши бўлмаган шахсларнинг Конституциядаги малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳолати *(жазони ижро этиш муассасаларида ойига бир маротаба телефон орқали ёки адвокат билан учрашувга чиққан шериклари орқали ёки манзил колонияларда жазони ўтаётганлар шахсий телефонлари орқали исталган вақтда исталган адвокатга юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги истагини маълум қилиши мумкин, аммо бу каби маҳкумлар билан шартнома тузиш учун жазони ижро этиш муассасасига кириш, жазони ижро этиш муассасасига кириш учун адвокатлик ордери тақдим этиш лозим бўлади. Шунда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим тузилмасдан туриб, яъни томонларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келмасдан туриб, адвокатлик ордерини шакллантириш мумкинми?)*

б) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)нинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат: ... **топшириқнинг предмети».**

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммолар:

– юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишиладиган топшириқ предметининг мазмунига адвокатлик касб этикаси қоидаларидан келиб чиқиб қўйиладиган талаблар доираси *(топшириқ предмети бўлиши мумкин бўлмаган талаблар)*;

– юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишиладиган топшириқ предметининг адвокатлик ордерини тақдим этиш билан боғлиқлик масалалари *(ҳар бир инстанцияга алоҳида ордер тақдим этиш керакми ёки барча инстанциялар учун ягона ордер тақдим этиш етарлими каби мулоҳазаларнинг топшириқ предмети билан муқоясаси, амалий миссоллар билан).*

д) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)нинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат: ... кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари».

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммолар:

– адвокат иш якуни бўйича ваъда бериши мумкин бўлмаган ҳолда иш якунидаги эҳтимолий ижобий натижа учун юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда рағбатлантирувчи мазмундаги шартли тўловларни кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари;

– юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишилган тўловлар адвокатлик тузилмаси кассасига кирим қилинишининг адвокатлик сирига нисбатан муқоясаси.

е) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)нинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат: ...топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган **адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти».**

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммо:

– Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишиладиган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти мазмунига адвокатлик фаолиятига оид қонунчилик нормаларидан келиб чиқиб қўйиладиган талаблар, адвокат жавобгар деб топилиши

▶▶▶ давоми 4-бетда

▶▶▶ бошланиши 3-бетда

мумкин бўлган/бўлмаган ҳолатларнинг ҳуқуқий таҳлили.

ф) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Адвокатлик сири жумласига ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради».

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммо:

– адвокатлик сири сифатида алоҳида санаб ўтилмаган, аммо Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишиладиган масалаларни адвокатлик сири деб ҳисоблаш/ҳисобламасликнинг ҳуқуқий асослари.

г) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади».

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммолар:

– адвокат ўз ихтиёри билан беғараз юридик ёрдам кўрсатган (Pro bono) ҳолатларда Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим тузиш масаласи (ишонч билдирувчи шахс сифатида ким кўрсатилади, топшириқ предметини адвокат ўзи мустақил қўядими?);

– тегишли қонуннинг 9¹-моддасида «адвокатлик фаолияти Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим асосида амалга оширилиши» белгиланганлиги ҳамда давлат ҳисобидан кўрсатиладиган юридик ёрдам битим тузмасдан амалга оширилиши тўғрисидаги нормалар ўртасидаги ҳуқуқий коллизиялар таҳлили (адвокатнинг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишга оид фаолияти адвокатлик фаолияти ҳисобланмайдими, аксинча, Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилиши лозимми, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганда топшириқ предметини ким белгилайди ва бу каби ҳолатларда адвокатда топшириқ предметини келишиш ҳуқуқи мавжудми?)

ҳ) **Тегишли қонуннинг 9¹-моддасидан:** «Ишонч билдирувчи шахс *(ҳимоя остидаги шахс)* томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)да назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кирим қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт».

Таҳлил қилиниши мумкин бўлган муаммолар:

– адвокатлик сири сифатида Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда келишилган адвокат хизмат ҳақи ҳамда ушбу тўловларнинг тузилма кассасига кирим қилиниши ҳолатларининг коллизион таҳлили;

– адвокатлик фаолиятида яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш имкониятлари.

Шунингдек, иш мазмунида Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим бўйича таҳлил қилиниши мумкин бўлган мазмунлар:

– Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимга томонлар ихтиёрий киритиши мумкин бўлган шартлар чегараси;

– малакали юридик ёрдам тушунчаси ва унинг мезонлари;

– Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ва бу талабларнинг ҳуқуқий асослари;

– Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари *(адвокатлик фаолиятига оид қонунчилик нормалари талаблари асосида таҳлил қилган ҳолда)*.



Шерзод РАШИДОВ,
«Olmazor advokatlari»
Адвокатлар ҳайъати адвокати
(Тошкент ш.)

Адвокатлик ордери бўйича таҳлил қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар:


– «Юридик ёрдам» ахборот тизимида адвокатлик тузилмаларида адвокатларнинг электрон адвокатлик ордери олишини чеклаб қўйиш имконияти мавжуд. Адвокатлик тузилмаларининг адвокатлик ордери олинишини чеклашининг ҳуқуқий асослари мавжудми?

– Адвокатлик ордери олишнинг тартиби: тегишли ордер олиниши Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим тузилиш/тузилмаслиги билан ҳуқуқий жиҳатдан боғланганми, адвокатлик ордери тегишли битимдан олдин олиниши мумкинлиги ҳолатида томонларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишининг ҳуқуқий асослари, ордернинг тартиб рақами ўсиш тартибида юритилмаслигининг ҳуқуқий оқибатлари мавжудми;

– Адвокатлик ордери тақдим қилинганда судларда адвокатнинг ишончли вакиллиги ваколатини баҳолашнинг ҳуқуқий таҳлили *(амалиётда ҳар бир инстанция учун алоҳида ордер талаб қилиниши ҳолатлари учраб турибди, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда тегишли Пленумга кўра судья ишончли вакилнинг ваколатини қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим қабул қилса, бу турдаги ажримлар устидан шикоят киритиш мумкин эмас)*.

«Учинчи шахслар» сизга бегона эмас!

Оила ва хотин-қизлар қўмитасига кўра, ажримларнинг асосий қисми эр-хотиннинг оилага тайёр эмаслиги, 3-шахсларнинг аралашуви, узоқ вақт бирга яшамаслик, молиявий қийинчиликлар, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик, фарзандсизлик сабаб юз бермоқда, деб ёзади https://gov.uz/oz/wcu.



Гулчеҳра НАРЗИЕВА,
«Advokat Gulchehra Fayzullayevna»
адвокатлик бюроси адвокати
(Бухоро вил. Жондор тум.)

Учинчи шахс ёки учинчи шахслар атамаси юридик терминологияда кенг қўлланилади, аммо биз қуйида сиз билан ўртоқлашадиган мавзудаги учинчи шахслар парда ортидан туриб, халқ тили билан айтганда – ё обод қилади ёки барбод қиладиган катта ва кичик «қаҳрамонлар»дир.

Оилавий келишмовчиликлар, оилавий зўравонликлар, эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиши, оилани жар ёқасига олиб келувчи ҳолатларга асосий сабаб сифатида афсуски яқин йиллар ичида «учинчи шахслар аралашуви» деган ибора кўп қўлланиляпти.

Учинчи шахс аралашуви. Ҳар қандай ишга ташқаридан кимдир аралашса *(аралашаётган шахснинг тафаккури билан боғлиқ аслида ҳар қандай масала),* муаммо ё ижобий ечилади ёхуд ечиб бўлмас даражага келиши мумкин. Кўпчиликда ташқаридан берилаётган ҳар қандай маслаҳатларга кўр-кўрона амал қилиш одати бор: менталитет деймизми ёки ўзининг мустақил фикрининг йўқлиги ёки оилавий муносабатларга тайёр бўлмаслик ва ҳк. Мурожаатчиларнинг аксар қисми – қайнонам, қайнисинглим, қайнотам, холам, аммам ё фалончи айтди деган гапни айтишади, бошқаларни холис одам, холис айтди деб ўйлашади. Оила ичида бўлмаган одам ҳеч қачон билмаслиги мумкин ўша оиладаги ҳақиқий-асл вазиятни. Ўша учинчи шахслар ҳам бир оила устидан таваккал қилаётганини ўзлари тушунмаган ҳолда маслаҳат бераверади. Хотининг ёқмаяптими – ажраш, ёқмаяптими – жавобини бер, бир таъзирини есин, деган асосли-асоссиз фикрлари билан оилани жар ёқасига олиб келиб қўйишмоқда.

Адвокат эканман, менга ишонч билдирган шахсларнинг манфаатлари йўлида, ҳаттоки, ўз позициямга қарши бораётган бўлсам-да, оиланинг, менга ишонч билдирган шахснинг келажак тақдирига бефарқ бўла олмаслигим сабабли, мижоз билан бир неча маротаба ажрим сабаблари устида соатлаб суҳбатлашишимга, унга ўз ўрнида ҳуқуқий тушунтиришлар, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришимга тўғри келади.

Биласизми, кўпинча оила(ажримдаги)лар ўртасида «дедидеди»лар, яъни «учинчи шахсларнинг аралашуви натижасида оилам шу аҳволга келиб қолди» деган гапни деярли бугун ҳар қандай тирик жон борки эшитмоқда, ачинарлиси бу ҳол табиий қабул қилиняпти. Шунда менга мурожаат қилаётган шахсга ўша учинчи шахслар айнан кимлар эканлигини (ваҳоланки бу борада яхшигина тажрибага эгаман) сўрайман. Тахмин қилганимдек мижоз ҳам: қайнонам, қайнотам, қайниакам, қайниопам, қайнисингилларим, қайниукаларим, қайниаммаларим, қайнихолалар ва ҳоказолар дея бирин-кетин санаб кетади.

Кўплаб қайноналарнинг ҳам оила борасида билими, тажрибаси йўқ, ташқаридан келган бировнинг фарзандига қандай муносабатда бўлишни очиғи унча билмайди. Икки ёшнинг орасига ҳуда-беҳуда аралашавермаслик, уларни шахс сифатида қабул қилиб мустаҳкам муносабат ўрнатишига қўйиб бериш кераклигини тушунмайди. Бундан ташқари, оилада қайноталарнинг роли деярли йўқ, «аралашма, тинч қўй», дея олмайди. Бу – оилаларда эркаклар роли пасайиб бораётганидан очиқ далолат.

Ҳар кимда тақдир тақозоси ҳар хил бўлганидек, тақдирдаги кечмиш ҳикоялар ҳам турфа хил, агарда қаламни олиб ёзмоқчи бўлсанг, теленовеллаларда айтиб ўтилганидек, «турфа тақдирлар» номли катта – бир неча жилдли телеасар дунёга келиши муқаррар. Мен шу вазиятдаги шахсларга қарата шу гапларни шахсий фикр-мулоҳазаларим сифатида билдириб ўтмоқчиман. Ҳурматли келин! Ҳурматли куёв! Сиз айтаётган учинчи шахслар: улар сиз севган, сиз уни деб кирган ўзга оиланинг яқин қадрдон-жондош вакилларидир. Сиз турмуш қурар

▶▶▶ давоми 6-бетда

▶▶▶ бошланиши 5-бетда

экансиз, сиз уларни турмуш ўртоғингизни нечоғлик иззат-ҳурмат қилсангиз, унинг яқинларини ҳам худди шундай иззат-ҳурмат қилишингиз мақсадга мувофиқ. Нафақат яқин инсонларингизни балки жамиятдаги ҳар бир шахсга ҳурмат кўрсатилиши лозим, шундагина жамиятда умуммаданият шаклланади.

Муҳими, оила мактаби йўлга қўйилиши керак. Кўпчилик ажрим ҳолатидаги ёш оилалардан – айниқса, йигитлардан қандай оила қургани ҳақида сўраганимда, онаси топганлигини айтади. Ҳар бир одамнинг тафаккури, диди, ёқадиган одами бўлиши керак, орзу-ҳаваси бўлиши керак. У фарзандларининг онаси бўла оладиган қизни ўзи танлаши, топиши керак. Бундан кўриш мумкинки, ўғил болаларни ҳақиқий эркак қилиб тарбия қила олмаяпти айрим оналаримиз. Мана шу ерда ҳам эркакнинг роли тушиб боряпти.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, йил бошидан шу кунга қадар бор-йўғи икки нафар йигит қабулимга келди, оила ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусидаги саволлар билан. Қолган ҳолатларда – оила қуришдан олдинам, ажримдаям фақат ва фақат қизларни онаси олиб келади. Кейинги вақтларда эркаклар турмуш ўртоғини олиб келиш ҳолатлари бироз шаклланди – ўз масъулиятини билган, фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмаган оталар томонидан. Оиладаги ҳамма жараёнларда масъулиятни эркак киши бўйнига олиши керак. Келин ташқаридан келади, оиладаги урф-одатлар, қадриятлар, тартиб-интизом ҳақида ҳеч нарса билмайди. Янги келган келинни оилага куёв мослаштириши керак, бизда эса қайнонага ташлаб қўйишади. Оила бу эр ва хотиндан иборат. Куёв келинни оила аъзолари билан яқиндан таништириши, мослаштиришни зиммасига олиши ва ўзи намуна бўлиши керак. Айтганимдек, айрим эркакларимиз оила қуришга тайёр эмас, масъулиятни бўйнига олмайди.

Оилада оналарда шунақа тушунча шаклланганки, тарбия чоғида ота-оналар қизининг тарбиясини яхши қилишади, сеп-сидирғасини зўр қилишади, лекин ўғлим ёнимда бўлади, бошқараверади, у менинг айтганимни қилиши керак деб унга эътибор беришмайди. Биз фарзанд тарбия қиляпмизми, аввало, унинг индивидуал шахс эканини инобатга олишимиз шарт. Жамиятга уни ҳақиқий шахс қилиб етказиш масаласи бўлиши керак. Уч боласи билан ажрим учун судга бориб: «онам нима деса — шу» деб тураверади ўзининг мустақил фикри йўқлигидан. Нима учун уч болага оталик масъулияти йўқ, нега уч боланинг бутун масъулияти аёлнинг зиммасида қолиши керак?

Илгари эркаклар айбдор, оилани идора қилолмайди деб ўйлардим, лекин кўп ҳолатда қайнона ва келин тил топишолмаганидан ажримлар бўляпти, чунки эркак киши кўчада юради ва асосан мулоқот қайнона-келин ўртасида бўлади. Бу вазиятда улар бир-бирининг камчиликларини кўради. Бундан ташқари, ҳозирги кўп ёш келинлар қайнона-қайнота билан яшашни хуш кўришмайди, шунинг учун турмуш ўртоғига норозилик билдиради, қайнона-қайнотага гап қайтариш, исён кайфияти бошланади. Бундай вазиятда эр-хотин келишолмай қолиб, ажрим йўлини тутишади. Бу эса битта-бинойидек бир оиланинг барбод бўлиши-ю, фарзандларнинг сарсон-саргардонлиги-ю ва бошқа бир қатор ечими топилмас муаммоларнинг юзага келишига сабабчи бўлишдан бошқа нарса эмас.

Ажримларда телесериалларнинг ҳам яхшигина «ҳисса»си бор

Сериал-киноларда қайноналарни ёмон кўрсатиш жуда кучайиб кетган. Нега телеканаллардаги кўп қисмли сериалларда қайнона нуқул ёмон образда гавдалантирилиши керак? Ахир ойнаи жаҳон орқали яхшилик, маърифат, маънавият ва ибратланарли ҳолатлар улуғланиб, бунинг акси бўлган салбий иллатлар қораланиши керак эмасми? Катта пропаганда воситаси бу. Асл инсоний муҳаббат, оила муқаддаслиги, севгига садоқат, ота-она ҳурмати ва шунга ўхшаш гуманистик улуғвор фазилатлар хусусида ниҳоятда кам гапириляпти. Ваҳоланки, ҳар бир йигит-қизнинг никоҳ тўйларида ёши улуғ отахону онахонларимиз дуога қўл очишиб, икки ёшнинг «қўша қариб, чолу кампир, пири бадавлат» бўлишини Яратган Парвардигордан сўрайди. Бугунги сериаллардачи? Қайнона — оилада диктатор, қайнота — иккинчи даражали, қайнонанинг айтганини қиладиган одам. Шу нарсаларни кўравергач, онгига сингади ва шунга мослашиб боради. Кўп келинлардан сўраганимда у оилада қайнотамнинг гапи ўтмайди, деган жавобни эшитаман. Эрнинг ўрнини қайнона «эгаллаган», энди ўша қайнона ўғлининг олдида келинни эгиб олмоқчи, бўлмайди бу нарса. Келин қайнона-қайнотасида шу муносабатни кўряптими, ўзигаям шуни олади, уям шу ишни қилмасликка ким кафолат беради эртага? Булар назоратга олиниши керак.

Агарда сиз турмуш ўртоғингизни бир қисми бўлмасангиз тақдир сизни бирлаштирармиди? Ҳар бир ҳаётдаги воқеликда бир ҳикмат бор. Ваҳоланки Конституциямизда оила муқаддаслиги катта ҳарфларда мангуга муҳрланган экан, унда белгиланган тузум ва йўналишга қарши турувчи иллат ва сарқитларга ўз вақтида чек қўйилмоғи даркор. Токи бу иллат илдиз отиб, захмга айланмасин!

Йил адвокати – 2025

«Йил адвокати» танлови – адвокатлар ўртасида мунтазам равишда ўтказиладиган касбий танлов бўлиб, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили анъанага айланиб бормоқда. Унинг давоми сифатидаги бу йилги танлов жорий йилнинг 20 февралида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан ўтказилади.



Танловдан кўзланган асосий мақсад, адвокатларнинг касбий тайёргарлик даражасини ва адвокатлик нуфузини ошириш, танлов ғолиблари ва иштирокчиларининг ижобий тажрибасини оммага кенг тарғиб қилиш, адвокатларнинг билим даражасини халқаро тан олинган стандартлар даражасига чиқариш, юқори малакали мутахассисларни аниқлаш ҳамда адвокатларнинг касбий мулоқоти учун қулай шароит ва муҳит яратишдир.

Бу йилги **«Йил адвокати – 2025»** танлови қуйидаги 5 та номинация бўйича ўтказилиши режалаштирилган:

1. «Касбий маҳорат» Якубов Санжар Ахмеджанович номидаги мукофот номинацияси Ўзбекистон Республикасининг машҳур адвокати Санжар Ахмеджанович Якубов хотирасига бағишлаб таъсис этилган. Бу мукофот билан ўз касбий фаолиятида юксак натижаларга эришган, адвокатлик маҳоратининг юқори даражасини ва ҳуқуқ соҳасидаги чуқур билимларини намоён этган адвокатлар тақдирланади.

Махсус талаблар: ***адвокатлик фаолиятининг энг кам иш стажи – 10 йилдан кам бўлмаслиги, ҳамкасбларнинг тавсияномалари, суд қарорлари, номзоднинг юқори касбий даражасини тасдиқловчи нашрлар ёки бошқа ҳужжатлар шаклида юксак касбий ютуқларни тасдиқлаш.***

2. «Порлоқ юлдуз» номинацияси 35 ёшгача бўлган ёш адвокатларга берилиб, улар касбий фаолиятининг нисбатан қисқа даврида сезиларли ютуқларга эришган, тез суръатда касбий ўсишни ва адвокатлар ҳамжамияти ҳаётида фаол иштирок этишни намойиш этган бўлишлари лозим.

Махсус талаблар: ***иштирокчининг ариза топшириш санасидаги ёши – 35 ёшдан ошмаган, адвокатлик фаолиятининг энг кам иш стажи – камида 2 йил, касбий ўсишни ва адвокатлар ҳамжамияти ҳаётида фаол иштирок этишни кўрсатувчи тасдиқланган ютуқларга эга бўлиш.***

3. «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимояси учун» номинацияси хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини амалда рўёбга чиқариш борасида самарали, ташаббускор ва тизимли фаолият олиб борган адвокатларни тақдирлашни назарда тутади.

Махсус талаблар: ***адвокатлик фаолиятининг энг кам иш стажи – 5 йилдан кам бўлмаган, номзод хотин-қизлар ва (ёки) болалар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ адвокатлик фаолиятини амалга оширган, мурожаатчиларнинг ҳуқуқларини тиклашга эришган бўлиши, мазкур ишлар суд, тергов, маъмурий ва бошқа жараёнларда амалга оширилган бўлиши мумкин, номзод томонидан янгича ёндошувлар, мураккаб ҳуқуқий ёрдам усуллари ва ижобий ижтимоий таъсирга эга амалий фаолият кўрсатилиши, адвокатлик ёрдами натижасида хотин-қизлар ва болаларнинг ҳаётий шароити, ҳуқуқий ёки ижтимоий ҳолатида аниқ ўзгаришлар юз берган бўлиши, жамоатчилик онгига таъсир – номзоднинг фаолияти ОАВ, жамоатчилик ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборини жалб этган бўлиши лозим.***

4. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон шахслар ҳимояси учун» номинацияси билан жисмонан заиф гуруҳлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида саъйи-ҳаракат кўрсатган адвокатлар тақдирланади.

Махсус талаблар: ***адвокатлик фаолиятининг энг кам иш стажи – 5 йилдан кам бўлмаган, номзод ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (ногиронлар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар, яшаш жойисиз қолганлар ва ҳ.к.) ҳуқуқларини ҳимоя қилган бўлиши, адвокат томонидан амалга оширилган ҳуқуқий ёрдам натижаси-***

▶▶▶ давоми 8-бетда

▶▶▶ бошланиши 7-бетда

да мурожаатчи шахснинг ҳуқуқлари тикланган ёки муаммоси ҳал этилган бўлиши, номзод ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқлари бўйича тушунтириш ишларини олиб борган, ҳуқуқий саводхонликни оширишга ҳисса қўшган бўлиши, адвокатнинг фаолияти жамоатчиликда ижобий таъсир уйғотган, ижтимоий ҳимоянинг амалий механизмларини ривожлантиришга туртки бўлган бўлиши лозим.

5. «Ҳуқуқий саводхонликни оширишга қўшган ҳиссаси учун» номинацияси таълим тадбирларида иштирок этиш, мақолалар тайёрлаш, маслаҳатлар ва бошқа маърифий тадбирларни ўтказиш орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта шахсий ҳисса қўшган адвокатларга берилади.

Махсус талаблар: ***адвокатлик фаолиятининг энг кам иш стажи – 5 йилдан кам бўлмаган, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш (маърузалар, семинарлар, нашрлар, телевидение ва радио дастурларида иштирок этиш, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик ва бошқалар), кўрсатилган маърифий фаолиятни тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумотномалар, ташаккурномалар, иштирок этиш сертификатлари, нашрлар нусхалари ва бошқа ҳужжатлар).***

Танловда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси аъзоси бўлган адвокатлар иштирок этиши мумкин.

Номзод бир танлов йили давомида фақат битта номинацияда иштирок этиши, ариза топшириш пайтида ва танловнинг бутун даври мобайнида адвокат мақомига эга бўлиш, танлов даврида (танлов ўтказилишидан олдинги тақвим йилида) интизомий жазоларга тортилмаган бўлиши лозим.

Ташкилотчи, агар тақдим этилган номзодлар белгиланган мезонлар ва талабларга жавоб бермаса, ҳеч бир номинация бўйича мукофот бермаслик ҳуқуқига эга.

Ҳар бир номинация бўйича ғолиблар тегишли дипломлар ва эсдалик белгилари билан тақдирланадилар ҳамда Палата томонидан назарда тутилган рағбатлантиришнинг бошқа шаклларини олишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2026 йил 20 февраль куни, соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Эслатма: *Қуйида танлов регламентида номзодлар учун қўйилган талаблар билан танишиб чиқишингиз мумкин.*

Танлов **Низоми** ҳамда **регламентининг** тўлиқ матнини **https://paruz.uz/**да ўқишингиз мумкин.

Саволлар ва бошқа маълумотлар учун:
Адвокатлар палатасининг алоқа бўлими
Тел: +99871 2616149, масъул шахс: +998 90 9173055
Электрон почта: ***info@paruz.uz info@advocatuz.uz***
Веб-сайт: ***https://paruz.uz/***
Манзил: 100142, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак Йўли кўчаси, 471-уй

ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

28 январь Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Кафолат» АБ адвокати Тошпўлат Музаффаровнинг таваллуд топган кунлари. Фидойи отахон устоз адвокатимиз ушбу санада табаррук 79 ёшни қарши олдилар!



Тошпўлат Музаффаров 1947 йил 28 январда Китоб туманининг Нурафшон қишлоғида оддий меҳнаткаш оилада таваллуд топган. У адвокатлик фаолиятини 2001 йилда бошлаган.

Узоқ йиллар ички ишлар тизимида меҳнат қилган, бутун фаолияти ва куч-ғайратини Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида сарфлаган, ҳозирда эса фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишга бахшида этаётган фидойи инсон Тошпўлат Музаффаровнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида унинг «Мен танлаган йўл» китоби мухтасар ҳикоя қилади.

Ижодкор отахон адвокат Тошпўлат Музаффаров ҳақларида қанчалик гапирсак шунчалар оз. Ҳазрати Мир Алишер Навоий таъбирлари билан айтганда, ҳақиқий-асл инсон умри давомида амалга оширган эзгу амаллари ва хайрли ишлари ила ҳурмат-эътибор топишга интилади. Умрини савобли, мангуликка дахлдор ишларга бағишлаган кишилар ҳаёт синовларини мардонавор енгиб, танлаган касбларида ўзига хос тажриба мактабини яратади. Отахон адвокатимиз Тошпўлат Музаффаров ана шундай инсонлардан биридирлар. Доимий меҳнатга ўрганиб қолган одам, бунинг устига бардам, куч-қувватли, ғайратли киши уйда ўтира олмайди. Мана табаррук 79 ёшга етибдилар ҳамки «Kafolat» адвокатлик бюроси орқали аҳолига кафолатли ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Шу билан бирга, тиришқоқ, билимга чанқоқ ёш адвокатларга устозлик ҳам қилиб келмоқдалар.

Тошпўлат Музаффаровнинг «Ғелон операцияси», «Эрнестнинг сирли ўлими», «Подолковникнинг хотираларидан», ««Дайди ўқ» ёхуд Илонлар водийси», «Адвокат фош этган қотиллик» ва бошқа ҳикоялари аллақачон ўқувчилар қалбидан муносиб жой топган.

Муҳтарам
Тошпўлат МУЗАФФАРОВ!

Ватанимиз ва халқимизга хизмат кўрсатишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли касбий фаолиятингизга улкан зафарлар тилаймиз.

Эзгу мақсадлар йўлида асло чарчаманг. Доимо саломат бўлинг! Табаррук ёшингиз муборак бўлсин.

Ҳурмат билан
Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси
АП Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси,
«ADVOKAT press» газетаси ва «ADVOKAT» журнали
ижодий жамоалари

Адвокатура институтини такомиллаштиришга доир таклифлар муҳокама қилинди

Жорий йилнинг 22 январида Адвокатлар палатасида «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



Мамлакатимиз Президентининг 2025 йил 5 мартдаги махсус топшириғи асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси доирасида адвокатура вакиллари томонидан 25 йўналишда таклифлар берилган. Учрашувда ана шу таклифлар Адлия вазирлигининг Адвокатура, нотариат ва медиация бошқармаси бошлиғи Маъсум Ҳатамов, Адвокатлар палатаси раиси Шуҳрат Садиков, Раиснинг биринчи ўринбосари Сергей Иргашев ҳамда бир қанча адвокатлар иштирокида муҳокама қилинди. Палатанинг ҳудудий бошқармалари вакиллари муҳокамада масофадан «онлайн» режимида қатнашдилар.

Адвокатура ҳамжамияти вакиллари билдирилган таклифларнинг қанчалик асосли, долзарб ва ўринли экани бўйича Адлия вазирлиги масъулларига изоҳ ва тушунтиришлар беришди. Шунингдек, лойиҳага киритиш учун қўшимча фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Таклифларнинг аксарияти адвокатнинг жиноят процессидаги роли ва ваколатларини кучайтириш билан боғлиқ. Хусусан, лойиҳадан:



– ҳимоячига суднинг барча босқичларида суд мажлисларини аудио-қайд этиш ҳуқуқини бериш;

– шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик билан адвокат фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш;

– Жиноят процессуал кодексга «ҳимоя ҳуқуқи» тушунчаси ва унинг мезонларини киритиш;

– дастлабки тергов босқичида адвокатнинг илтимоснома ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибини қатъий белгилаш ва ушбу тартиб бузилган тақдирда прокурор жавобгарлигини белгилаш;

– тергов судьяларига адвокатнинг терговчи ёки прокурорни рад этиш ҳақидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш ваколатини бериш;

– ҳимоя томонининг судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадиган шахслар рўйхатини олдиндан тақдим этишни амалиётга киритиш;

– жиноят ишларини махфийлаштиришнинг суиистеъмол қилинишига қарши чоралар кўриш тўғрисидаги таклифлар ўрин олган.

Шунингдек, учрашувда давлат ҳисобидан кўрсатиладиган бепул юридик ёрдам учун тўловларни ошириш, адвокатлик тузилмаларини ягона ижтимоий солиқни тўлашдан озод қилиш ҳамда адвокатуранинг мустақиллиги принципига зид бўлган бўлган ҳолатларни бартараф этишга доир таклифлар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Муҳокамалар адвокатура институтини янада кучли, мустақил ва самарали ҳимоя тизимига айлантириш йўлида муҳим қадам бўлаётганини кўрсатади. Қонун лойиҳаси қабул қилиниши фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқини реал таъминлаш, суд-тергов тизимида очиқлик ва адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Бугунги суҳбатдошимиз «Адвокатура соҳасига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони соҳибаси Самарқанд шаҳар «Сиёб» Адвокатлар ҳайъати адвокати Гайбуллаева Замира Амоновна. У 1981 йилдан буён адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келади. Адвокатурада 44 йиллик стажга эга. Университетни битирибоқ адвокатурага йўл олган. З.Гайбуллаева асосан фуқаролик ишларини кўришда иштирок этади. У 1981 йилдан буён то ҳозирги кунга қадар битта, яъни «Сиёб» Адвокатлар ҳайъатида фаолият юритиб келади. Орада 15 йил шу «Сиёб» Адвокатлар ҳайъатини бошқарган. Замира опа билан суҳбатимиз уларнинг иш фаолияти, адвокат ютуқлари-ю, камчиликлари ва умуман олганда адвокатурага доир масалалар юзасидан бўлди. Қуйидаги интервью шу ҳақда.

Адвокатура ривожланиши учун судлар чинакам мустақил бўлиши керак!

Опа, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз.

Мен, Гайбуллаева Замира Амоновна «Сиёб» Адвокатлар ҳайъатида 15 йил раҳбарлик қилдим, ҳозир шу Ҳайъат адвокати сифатида фаолият юритиб келяпман. Фуқаролик ишларидаман. Янада аниқроғи, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, мерос масалалари, оилавий ажрим масалалари менинг ишимнинг қамрови десам бўлади, лекин кейинги пайтларда кўпроқ мерос масалалари асосий ихтисослашувимга айланиб боряпти.



Замира опа, 15 йил Ҳайъат раҳбари бўлгансиз. Аҳолининг адвокатларга муносабати, мижозлар мурожаати, умуман олганда адвокатларнинг «ишлар» билан бандлиги Самарқандда қай даражада?

Биласизми, кимга қандай. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, менда бу борада муаммо йўқ. Адвокатнинг ишига – профессионаллигига қараб мижоз адвокат танлайди. Агар иш ҳар томонлама, сифатли, яъни қонун доирасида тўғри олиб бориладиган бўлса, мижоз тахмин қилган натижа қўлга киритилса, ўйлайманки адвокат ишсиз қолмайди. Ҳаёт борки, муаммолар бор. Ўзингиз яхши биласиз, адвокатга асосан мижозлар ўз муаммолари юзасидан мурожат қилишади. Демак, мижоз адвокатдан розими, у адвокатнинг иши жойида. Ҳамма гап адвокатнинг ҳуқуқий саводхонлиги-ю, интизомига боғлиқ. Кимлардир тахмин қилганидек, адвокатуранинг жўғрофий жойлашувига боғлиқ деб, йўқ аксинча, мана масалан бизнинг Ҳайъат анчайин четда жойлашган атрофимизда судлар, прокуратура, ички ишлар ва ёки бошқа давлат идоралари йўқ, аммо шунга қарамай Ҳайъатимиздаги адвокатларни излаб вилоятнинг турли нуқталаридан бизга келишади. Бир сўз билан айтганда, ўша адвокатлик тузилмасидаги адвокатларнинг билим маҳорати-ю савиясига боғлиқ адвокатнинг ишли ёки ишсизлик масаласи...

Замира опа, сиз нафақат раҳбарсиз, балки катта стажга эга адвокат ҳам сиз, айтингчи, республикамиз адвокатларининг эркин фаолият юритишлари учун қандай муаммоларга ечим топилиши керак?

Мамлакатимизда адвокатлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича муаммолар мавжуд. Буни инкор қилиб бўлмайди. Айниқса, бу жараён тергов органлари биноларига кириш жараёнларида жуда сезилади. Тўғри, бугунги кунда суд биноларига мобиль телефонлар ёки компьютер, ноутбуклар билан кириш чекловлари олиб ташланган, бу борада биз суд органларига эркин кириб чиқамиз. Лекин тергов органларига кириб чиқишда бу борада муаммолар кузатилади. Яъни «ички тартибимиз шунақа» деган жавоб остида бу муаммо ҳалигача турибди. **Адвокатура ривожланиши учун аввало судлар чинакам мустақил бўлиши керак. Тергов органи биносига киришдаги тартиб адвокатларни обрўсизлантиряпти, уларни ҳимоялаш учун ваколатларимиз ҳали етарлича эмас деб ўйлайман.** Адвокатларни қийнайдиган яна бир асо-

сий ва муҳим масалалар шуки, судларда соатлаб вақтимизни кутиш билан ўтказишимизга барҳам берилиши керак. Айрим судларда (Самарқанд шаҳар) адвокатлар хонаси қоғозда бор-у аммо амалда йўқ. Адвокат ҳам оддий фуқаро қатори ташқарида соатлаб кутишига тўғри келяпти. Албатта, бу бизнинг, яъни адвокатуранинг имижига ҳам таъсир қилмай қўймайди.

Шунча муаммо ортидан мувафаққиятлар ҳам бўлиб турадими?

Тўғри, муаммолар вақти соати етиб ҳал бўлар. Муаммоли жиҳатлар жуда кўп деёлмайман, лекин айрим истисноли ҳолатлар бўлиб туради. Бу баъзи ҳолатларда тушунмовчилик натижасида, баъзида терговчининг савияси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Муҳими, судларда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмрон. Шунинг ортидан мувафаққиятларга ҳам эришиб келяпмиз. Асосан мерос ишларини кўраман деб юқорида ҳам айтдим. Яна оилавий масалалар, мол-мулк тақсимоти ва шунга доир масалаларда Фуқаролик судларида қатнашаман. Табиийки, мувафаққиятлар осонлик билан қўлга киритилмайди. Айрим ҳолларда Олий судгача чиққан вақтларимиз бўлган. Янада тушунарли бўлиши учун бир мисол асосида тушунтирсам: Эр хотинига нисбатан никохдан ажратишга ва болалар таъминоти учун деб алимент ундиришга мурожаат этган. Хотин эса бундан бехабар бўлганлиги сабаб, алимент қарздорлиги кўпайиб уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқига таъқиқ қўйилган. Бундан ташқари, эри томонидан биргаликдаги турмуш даврида орттирилган мулкларга нисбатан ҳам эрни ягона мулкдор деб топиш ҳақидаги суддан қарори ҳам бор. Ушбу қарор асосида автомашиналар сотилиб, уй-жойга нисбатан эр ягона мулкдор бўлиб бемалол яшаб келмоқда. Хотинда бу ҳолат бўйича на мулк бор ва на ҳаммасидан кечиб четга чиқиш имконияти. Ана шундай муаммо билан менга мурожаат қиляпти. Шу масалани судда исботлаб бердик. Мол-мулкка тегишли бўлган мулкдорлик қарорларини бекор қилиб, аёлнинг улушларини ундириб бериб, адолатни тиклашга ҳаркат қилдик. Албатта бунинг ортида катта меҳнат, саломатлик, вақт каби қайтариб бўлмайдиган масалалар ётибди. Буни мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Қўлга киритган ютуғимиз, яъни адолатни тиклашимиз ва ишда қонун жабрланувчи томон бўлганлиги ва у аёлнинг қувончини кўриб, шунча йўқотилган вақт, саломатлик, машаққат барча-барчаси бир лаҳзалик бахтни олдида ортга чекинади. Адвокатнинг ютуғи, обрўси унинг мана шундай машаққатлари ортидан келади. Англаган бўлсангиз, бу иш ва ниҳоят Олий суд орқали ўз ечимини топган.

Замира опа, адвокатликка талабгорларни назарида фуқаролик ишлари осон туюлади. Ҳақиқатан ҳам осонми?



Фуқаролик ишлари жуда қизиқ ва чигал, жиноят ёки иқтисодий ишларга нисбатан. Бунда сиз мижознинг шахсий ҳаётига бевосита ва билвосита киришга мажбурсиз. Ишга киришганингиздан кейин уни якунлашингиз керак, натижа қандай бўлишидан қатъи назар. Шундай ҳоллар бўладики мижознинг на ҳафсаласи бор ва на моддий таъминоти етарли. Ваҳоланки шунга қарамай, адвокат ишни тўхтатмайди, у ишда давом этади. Мижознинг ижтимоий аҳволи, айни кунлардаги вазияти қалбингизни тинч қўймайди. Мижознинг илк маротаба даргоҳингизга йиғлаб келгани, ноқулай аҳволга тушиб қолгани ва бошқа манзаралар кўз ўнгингиздан кетмайди. Унинг қандай вазиятда турганини кўрганингиздан кейин албатта қўлдан келганча унга ёрдам бергингиз келади. Унинг мушкулини қонун йўли билан ҳал қилинишини истайсиз. Касбимиз шу. Менимча адвокат шундай пайтларда ўзидан кечиб, бор куч-қуввати-ю энергиясини мижоз ишига бағишлайди.

Суҳбатдошимиз, Замира Гайбуллаевадан судьялар мустақиллиги борасидаги саволимизга опа ниматбасум билан «мустақил десак ҳам бўлаверади» дея жавоб бердилар.

Талабгор адвокатларга маслаҳатларингиз, тавсияларингиз?

Агар адвокатликка талабгор шахс ҳақиқатан ҳам адвокат бўлмоқчими, унда қўрқмай ва ҳеч иккиланмай адвокатликка жиддий ҳаракат қилсин. Масалан мен университетни битирибоқ ҳеч иккиланмай адвокатурага кирганман. 44 йилдан бери адвокатман. Битта жойда, шу «Сиёб» Адвокатлар ҳайъатидаман. «Адвокатура соҳасига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан Адвокатлар палатаси тақдирлади. Кам бўлганимиз йўқ. Қўлдан келганча мижозлар муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Эл орасида етарлича обрў-иззатимиз бор. Ҳамма гап шахснинг ўзида – ҳалол-пок, билим ва тажрибага эга бўлса, тартиб-интизоми жойида бўлса, ўз-ўзидан у адвокатнинг обрўси баланд бўлаверади.

Мамунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Воҳид АҲМАД
суҳбатлашди

В практике любого адвоката нередко встречаются случаи, когда стороны конфликта оказываются втянутыми в изматывающее судебное разбирательство, хотя решение могло было быть найдено гораздо быстрее, дешевле и — что особенно важно — без потери взаимоотношений. Именно таким инструментом стала медиация, проведенная профессиональным медиатором. о которой пойдет речь в этой статье. Тут я не буду подробно разбирать детали гражданского дела, поскольку главный фокус — на самом процессе медиации и ее преимуществах. В отличие от традиционного судебного разбирательства, где решение принимает судья, медиация позволяет сторонам самостоятельно прийти к взаимоприемлемому соглашению при содействии нейтрального специалиста. Это не только экономит время и ресурсы, но и сохраняет возможность дальнейшего сотрудничества, что особенно ценно в договорных спорах.

Адвокат – медиатор: почему важен нейтральный специалист?

История медиации

История медиации насчитывает множество веков и берет свои корни в древнем мире, где посредники помогали мирно разрешать конфликты между племенами и отдельными людьми. В различных культурах роль медиатора часто исполняли старейшины или духовные лидеры, обладавшие авторитетом и способностью наладить диалог между спорящими сторонами.

Одним из прообразов медиации можно считать римское «Фециальное право» (ius fetiale) — свод сакрально-правовых норм, регулировавших дипломатию и разрешение конфликтов в Древнем Риме. Фециалы – это жрецы, которые выступали нейтральными посредниками, обеспечивая переговоры перед объявлением войны и оформляя договоры через ритуалы. Как и нынешние медиаторы, они соблюдали строгую процедуру, давая сторонам возможность урегулировать спор до эскалации конфликта. Хотя ius fetiale регулировало межгосударственные отношения, его принципы — диалог, нейтралитет и документирование соглашений — легли в основу современных альтернативных методов разрешения споров.

С развитием правовых систем в XIX и XX веках медиация постепенно вошла в официальную практику разных государств как альтернативный способ урегулирования споров. В некоторых странах были созданы специальные институты и процедуры, направленные на развитие внесудебного разрешения конфликтов. Медиация стала рассматриваться как способ снизить нагрузку на суды и обеспечить более гибкие и эффективные решения. Например, в США, где медиация особенно развита, этот метод стал неотъемлемой частью правовой системы, позволяя избежать долгих судебных разбирательств и уменьшить нагрузку на суды.

Процедура медиации и ее преимущества в Узбекистане

В Узбекистане институт медиации стал официальным инструментом разрешения споров после принятия закона «О медиации» 3 июля 2018 года, который вступил в силу с начала 2019 года. Этот нормативный акт закрепляет медиацию как способ мирного урегулирования конфликтов с помощью — медиатора — при условии добровольного согласия всех участников. Медиаторы могут работать как профессионально, так и непрофессионально, при этом их деятельность не рассматривается как предпринимательская. Процедура медиации может применяться не только во внесудебных формах. То есть вы можете инициировать процедуру медиации даже тогда, когда дело уже рассматривается судом. В этом случае в гражданском процессе суд обязан приостановить производство по делу, на время проведения сторонами процедуры медиации, но только в суде первой инстанции.

Медиатор – это не юрист, это переговорщик

Конфликтология — такая же серьезная наука, как и юриспруденция, но адвокат-медиатор и профессиональный медиатор — далеко не одно и то же. Почему большинство людей не могут разрешить возникший конфликт

самостоятельно? На мой взгляд, причины глубоко исторические. Из-за отсутствия свободы в Советском Союзе, где все за граждан решало государство, люди просто не получили необходимых навыков в силу специфики политико-экономического строя.

Юридическое же мышление, присущее адвокатам, особенно в его классическом «нормативном» варианте, часто становится препятствием для поиска компромисса. Адвокаты, даже не осознавая этого, нередко выстраивают искусственные барьеры, мешающие сторонам прийти к взаимовыгодному решению. Поэтому на мой взгляд медиатором может быть только профессиональный психолог или хотя-бы не адвокат, возможно с такой радикальной субъективной позицией не согласятся коллеги-адвокаты.

Требования, предъявляемые к профессиональному медиатору, довольно легкие: необходимо быть полностью дееспособным, закончить курс подготовки медиаторов, не иметь судимости и уголовного преследования, а также быть внесенным в профессиональный реестр медиаторов.

Еще одним преимуществом медиации является особый режим конфиденциальности, сравнимый с адвокатской или коммерческой тайной, который надежно защищает стороны от любых негативных последствий разглашения содержания соглашения.

На время проведения процедуры медиации процессуальный срок исковой давности приостанавливается. Эта норма указана не только в Гражданском кодексе (п. 6, ч. 1, ст. 156), но и в отраслевом законодательстве, например в трудовом (ч. 2 ст. 560 ТК).

– Я проработала адвокатом около восьми лет, и знания, полученные в ходе этой деятельности, оказывают мне большую помощь в учебе, – поделилась слушатель Мафтуна Сайдалиева. – Аудитории оснащены современной мультимедийной аппаратурой, что позволяет применять прогрессивные педагогические технологии. Наряду с традиционными лекциями, преподаватели активно используют слайды, фото- и видеоматериалы, викторины и другие интерактивные методы. Для лучшего практического усвоения знаний применяется метод имитации судебных процессов: каждый слушатель должен быть в роли судьи, рассматривающего инсценированное дело. Я лично рассматривала вопрос о признании договоров недействительными и почувствовала на себе, какая большая ответственность лежит на плечах судьи. После этого я поняла, что одно дело быть адвокатом и защищать интересы клиента, и совсем другое – быть судьей и принимать решения, определяющие судьбы лиц.

Свободное время я стараюсь много читать. Большое впечатление на меня произвела книга «Уч машхур узбек аёли», изданная по инициативе Высшего судейского совета, которая полностью освещает жизнь и деятельность трех знаменитых узбекских женщин-юристов: Хадичи Сулаймоновой, Мамлакат Восиковой и Халимы Мухитдиновой. Жизнь и деятельность этих потрясающих женщин, являющихся легендами узбекской юриспруденции, – это в полном смысле школа примера и назидания. Их поучительная жизнь и деятельность раскрывается на основе архивных материалов, исторических доказательств, а также воспоминаний современников и учеников. Подробно рассказывается об их огромном вкладе в развитие юриспруденции нашей страны. Такие книги, безусловно, способствуют формированию у слушателей академии правильного образа судьи.

Наш корр.

Адвокатура и правосудие в Узбекистане: Единство цели – защита прав граждан

На сегодняшний мы считаем своим долгом подчеркнуть фундаментальное значение института адвокатуры, особенно в контексте гарантированной государством юридической помощи. Республика Узбекистан, согласно статье 1 Конституции, является суверенным, демократическим, правовым, социальным и светским государством. Этот принцип неразрывно связан с гарантией прав человека, в том числе, права на квалифицированную юридическую помощь.



Фархат СЕЙТИМБЕТОВ,
начальник сектора по контролю за оказанием государственных услуг Министерства юстиции Республики Каракалпакстан



Сайёра АЙТНИЯЗОВА,
судья Нукусского межрайонного суда по гражданским делам

Для судебной системы реализация конституционных гарантий является основополагающей. Мы, судьи, призваны обеспечить подлинную состязательность сторон и равноправие в процессе, что невозможно без участия профессионального защитника.

Статья 29 Конституция Республики Узбекистан провозглашает: «Каждому гарантируется право на получение квалифицированной юридической помощи. В случаях, предусмотренных законом, юридическая помощь оказывается за счет государства... Каждое лицо имеет право пользоваться помощью адвоката по своему выбору на любой стадии уголовного процесса...». Эта статья – не просто декларация, а прямое указание к действию.

На любой стадии процесса, особенно в уголовном судопроизводстве, присутствие адвоката обеспечивает защиту от возможных злоупотреблений и гарантирует, что в основу приговора не лягут «доказательства, полученные с нарушением закона». Это критически важно для поддержания легитимности судебного акта.

В судебной практике мы регулярно сталкиваемся с ситуациями, когда участие адвоката является обязательным (согласно Уголовно-процессуальному кодексу) или необходимо в силу малообеспеченности лица. В таких случаях, новый Закон Республики Узбекистан «Об оказании юридической помощи за счет государства» становится ключевым инструментом для реализации принципа социального государства.

Суд направляет соответствующее определение (запрос) через информационную систему «Юридическая помощь» (статья 17 Закона), обеспечивая автоматизированное и объективное назначение адвоката.

Глава XXIV Конституции и, в частности, статьи 141 и 142 закрепляют принципы независимости адвокатуры и недопустимости вмешательства в деятельность адвоката. Для нас, судей, это означает, что адвокат является абсолютно равноправным и свободным участником процесса, чья честь и достоинство находятся под защитой государства.

Таким образом, для суда адвокатура – это гарант качества судебного процесса, инструмент реализации конституционного права на защиту и краеугольный камень состязательной системы правосудия.

Для Министерства юстиции, являющегося специально уполномоченным государственным органом в области оказания юридической помощи за счет государства (Статья 7 Закона), основная задача – выстроить эффективную, прозрачную и устойчивую систему, способную обеспечить эту помощь всем нуждающимся.

Новый Закон «Об оказании юридической помощи за счет государства» четко определяет нашу роль, основные принципы и механизмы:

Государственная политика в этой сфере базируется на принципах законности, приоритета прав человека, прозрачности, объективности и недопустимости дискриминации. Мы стремимся к созданию и развитию эффективной национальной системы оказания юридической помощи за счет государства.

Ключевым инструментом для нас является Информационная система «Юридическая помощь» (статья 15 Закона) и связанный с ней Реестр адвокатов, оказываю-

▶▶▶ продолжение на стр. 24

▶▶▶ начало на стр. 23

щих юридическую помощь за счет государства (статья 14 Закона).

Территориальные органы юстиции ведут этот открытый электронный реестр, куда включаются адвокаты, заключившие с ними договор об оказании юридической помощи. Это обеспечивает контроль качества, прозрачность и ответственность адвокатов, изъявивших желание оказывать юридическую помощь за счёт государства. А автоматизированный выбор посредством ИС «Юридическая помощь» позволяет в режиме реального времени, на основе специализации, территории и языка делопроизводства, выбирать адвоката. Это исключает субъективизм и обеспечивает оперативность. Кроме того, конечно же, есть возможность привлечения адвоката в нерабочие часы его времени посредством графика дежурства, который ежемесячно составляется в Информационной системе «Юридическая помощь», что обеспечивает беспрепятственный доступ всем заинтересованным сторонам, информацию об этом можно просмотреть на сайте e-advokat.uz.

Кроме того, органы юстиции обеспечивают заключение договоров с адвокатами, занимаются координацией их деятельности с районными (городскими) отделами юстиции, осуществлять мониторинг исполнения заключенных договоров и осуществляет меры по покрытию расходов, связанных с оплатой оказанной юридической помощи органами финансов и экономики на местах в соответствии с требованиями постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 ноября 2024 года за №774.

Согласно законодательству, четко очерчен круг лиц, имеющих право на бесплатную или частично оплачиваемую государством помощь, в первую очередь:

– малообеспеченные лица (определяемые через Информационную систему «Единый реестр социальной защиты») по ряду социально значимых гражданских и административных дел (например, взыскание алиментов, восстановление на работе, возмещение вреда).

– подозреваемые, обвиняемые, подсудимые (когда участие адвоката обязательно или лицо малообеспеченное).

– лица, страдающие психическими расстройствами, при оказании им психиатрической помощи.

– лица, чьи права нарушены в связи с нарушением равноправия женщин и мужчин.

Министерство юстиции берет на себя ответственность за реализацию этой помощи, рассматривая заявления (запросы) и принимая решения об ее оказании (Статьи 16, 18).

Таким образом, как видно, взаимодействие между судебной системой и Министерством юстиции по вопросу адвокатуры и государственной юридической помощи строится на общем фундаменте – Конституции и новом Законе.

Суд требует наличия квалифицированной защиты для обеспечения справедливого правосудия. Министерство юстиции создает и администрирует прозрачную, эффективную и финансово обеспеченную систему, чтобы предоставить эту защиту малообеспеченным и уязвимым слоям населения.

Именно в таком тесном и конструктивном взаимодействии органов юстиции, суда и независимой адвокатуры реализуется конституционный принцип Республики Узбекистан как правового и социального государства.

ЗА РУБЕЖОМ

Суды в России за 2025 год вынесли рекордное число пожизненных приговоров

Предыдущие рекорды были установлены в 2005 и 2012 годах. Всего за период с 2005 по 2024 год российские суды вынесли 1316 приговоров о пожизненном лишении свободы.

Российские суды с января по ноябрь минувшего года приговорили к пожизненному лишению свободы 100 человек. Об этом сообщает ТАСС со ссылкой на пресс-службу Верховного суда. Как отмечает агентство, это рекордный показатель за последние годы.

Согласно статистике, наибольшее количество приговоров к пожизненному лишению свободы в России было зафиксировано в 2005 и 2012 годах — по 84. В 2020 году было вынесено 66 таких приговоров, в 2021-м — 47, в 2022-м — 58, в 2023-м — 78, а в 2024-м — 79.

Всего за период с 2005 по 2024 год российские суды вынесли 1316



приговоров о пожизненном лишении свободы.

В России пожизненное лишение свободы дают за особо тяжкие преступления, включая убийства при отягчающих обстоятельствах (двух и более лиц; по мотивам ненависти или вражды; с особой жестокостью и пр.), терроризм (в том числе организация, вербовка, захват заложников), геноцид, торговлю людьми, преступления против половой неприкосновенности детей.

Источник: rbc.ru

Суҳбатдошимиз «Адвокатура соҳасига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони соҳибаси Самарқанд шаҳар «Қомус» Адвокатлар ҳайъати Бошқарувчи шериги, АП Самарақанд вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссияси раиси Дилшода Мухаммедова. У 1975 йилдан буён суд-ҳуқуқ масалалари билан шуғулланиб келади. Адвокатурада 32 йиллик стажга эга. Республикамиздаги кўп йиллик стажга эга адвокатлардан бири. Д. Мухаммедова маълум йиллар судья лавозимида ва бошқа бошқарув аппаратларида фаолият юритиб, сўнг 1994 йилда адвокатурага ўтган. Фаолиятига 30 йил тўлгани муносабати билан Адвокатлар палатаси томонидан «Адвокатура соҳасига қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони билан тақдирланган. Бундан ташқари, суҳбатдошимиз адвокатура ва суд-ҳуқуқ масалаларига ихтисослашган бир неча марказий ва маҳаллий нашрларда тез-тез чиқишлари орқали кўпчиликка танилган машҳур адвокатлардан. Бугунги суҳбатимиз Дилшода Мухаммедованинг иш фаолияти, фуқаролик ва жиноий ишлардаги иштироки ҳамда суд-ҳуқуққа доир масалалар юзасидан бўлди. Қуйидаги интервью шу ҳақда.

Адвокат нафақат ҳимоячи, балки балки инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи шахс ҳамдир!

Дилшода опа, қайси йўналишларда фаолият юритасиз?

Биласизми, 1994 йилда иш фаолиятимни бошлаганимда у пайтда алоҳида йўналишлар қилиб ажратилмас эди. Яъни адвокат – ҳам жиноят, ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий ва ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги ишлар ва судларда қатнашиши мумкин эди. Ушбу тўрт йўналишда лицензияга эгаман ва шу йўналишларда бугунги кунга қадар фаолият юритиб келмоқдаман. Гарчанд 4 та йўналишда лицензияга эга бўлсамда, лекин кўпроқ жиноий ишларни кўраман. Тўғри, фуқаролик ишлари ҳам қизиқ ва ҳам мураккаб, адвокатга кўп нарсани ўргатади, ундаги иш узоқ муддатларда ўз ечимини топиши ёки кутилган натижанинг узоқлиги мени кўпроқ жиноий ишларни олишга тортади. Бу билан фуқаролик ишларини рад қиламан демоқчимасман, у ишларни ҳам кўраман. Адвокатлик амалиётимда шундай ҳоллар бўлганки, хусусан фуқаролик ишига доир мерос ҳуқуқи билан боғлиқ масалада. Дейлик, мерос ҳуқуқида тараф розилик хатлари билан меросга нотариал йўл билан эришяпти, аммо орадан 1 ёки 2 йил ўтиб эмас, балки 25 ёки 30 йиллар ўтиб, ҳақиқатан шу уй/хонадонга алоқадорлиги бор шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилади. Ваҳоланки, даъвогар аризасида кўрсатилган манзил айни кунларда ё бузилган ёки ўрнида мутлақо бошқа бино қурилган. Мана шундай чигалли масалаларнинг қонуний ҳал қилиниши юзасидан Олий судгача чиққан пайтларимиз бўлган. Қизим ҳам адвокат, ўғлим ҳам адвокат эди, аммо ўғлимга бизнес ҳамкорлик таклиф қилингандан сўнг у адвокатликдан кетди. Оилавий адвокатмиз десам тўғрироқ бўлади, бизнинг бўш вақтларимиздаги оилавий суҳбатлар кўпроқ адвокатлик ишларимиз ва шунга доир баҳс-мунозаралар билан кечади. Қизим адвокатлиги тўғрисида айтдим, у фақат жиноят судларида қатнашади, фуқаролик ишларини олишни деярли хоҳламайди. Фуқаролик ишларини олишимга ҳам кўпроқ қизим мотивация беради «Она, сиз шу ишни олинг, биламан, сизда сабр-ҳафсала етарли ва ишни миридан-сиригача ўрганишга ҳам билимингиз ва ҳам тажрибангиз етади» каби мақтов ва илҳомбахш сўзларидан сўнг яна фуқаролик ишларини олишга менда иштиёқ пайдо бўлади. Ҳар бир ишга алоҳида диққатлик, масъулият билан киришаман. Хусусан, фуқаролик ишларидаги чигалликларни ечишда олдин шу йўналишда тажриба касб қилган ҳамкасбларим билан обдон маслаҳатлашаман ва ишнинг тўғри ва қонуний ечими устида иш олиб бораман. Ва кутилганидек иш ижобий ҳал бўлади. Мижозимнинг хурсандлиги табиийки



▶▶▶ давоми 26-бетда

▸▸▸ бошланиши 25-бетда

мени ҳам қувонтирмай қўймайди. Шундай мисолни келтириб ўтсам менимча янада тушунарли бўларди. Аёл 1937 йилда туғилган эри ҳам шу йиллар атрофида. 1961 йилда оила қуришган. 1989 йилда эри Украинага кетади. Аёл 1991 йилда хонадонни ўзининг номига приватизация қилади. 2024 йилда аёл оламдан ўтади. Ваҳоланки, 1992 йилда эри Украинадан туриб, ўзининг улушидан воз кечиш тўғрисида нотариал хат жўнатади. Бугунги кунда унинг бу хати билан ҳеч қаерга боролмайсан. Ёши ҳам 90 га бориб қолган. Энди эса уйга улушдор бўлиб чиқяпти. Ҳолбуки иккинчи улушдор йўқ. Мана шундай чигалли масалага ечим топиш керак. Ва ниҳоят бу масалага қонуний тўғри ечим топа олдик. Буларни айтишимдан мақсад, фуқаролик ишларнинг узоқ муддатларга чўзилиши ва ундаги чигалликлари хусусида эди.

Дилшода опа, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари мураккаб ва чигаллигидан гапирдингиз. Бунда мижоз ҳолати қандай бўлади? Кутишадими узоқ муддат?

Мижозга тўғри тушунтирилса, мижоз кутади албатта. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб олаётган ишим қачон ва қандай якунланишини гарчанд аниқ вақти-ю ва бошқа тафсилотларини айтмасам ҳам аниққа яқинроқ тахминий вариантимни мижозга айтаман. Хусусан, мерос ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар йиллаб чўзилиши мумкин, ишнинг мана шунақа нюансларини мижозга тушунтираман. Адвокат ишнинг узоқ муддатли эканлиги, бу ишда сабрли бўлишни мижозга тушунтиряпти-ку?! Бунда адвокатнинг ўзида ҳам етарлича сабр бўлиши керак. Бу ўринда айрим ишларнинг чўзилишида адвокат эмас, балки мижоз ва масала билан боғлиқ шахслардаги номутаносибликлар ҳам сабаб бўлади. Шундай мижозларимиз бўлган – йил бўйи адвокат билан биргаликда ҳаракат қилиб, иш якунланганидан сўнг адвокатнинг сабр-тоқати ва матонатига тасаннолар айтиб, қўлдан келганича адвокатни кўнглини яхши сўзлар билан топишга ҳаракат қилади. Айримлари эса аксинча. Беш панжа баробар бўлмаганидек инсонлар ҳам турлича.



Дилшода опа, сиз 4 та йўналишдаги ишларда қатнашасиз. Фуқаролик ишларини айтиб ўтдингиз. Жиноий ишларда қай тартибда фаолият юритасиз?

Гарчанд, ҳеч кимнинг ҳаётида нохотиржамлик бўлишини истамасамда, аммо ҳаёт борки бахт билан бахтсизлик, ғам билан шодлик ҳамроҳ бўлганидек – буларнинг бари атрофимиздаги инсонлар ҳаётида рўй беради. Яқинда бир жиноий ишни олишимга тўғри келди. Ниҳоятда катта кўламли ва жиддий иш эди. Мазкур ишнинг бир йўналиши бўйича 10 киши, иккинчи йўналишида 7 киши ва бошқа йўналишда ҳам бир неча шахслар иши судда кўриб чиқилди. Бу ишга деярли бир йил вақтим сарфланди (ишнинг таснифида талон-торож қилиш, қотиллик жинояти). Юқоридаги саволингизга қайтадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича ҳимоячи сифатида иштирок этувчи адвокат томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳажми, моҳияти ва кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари ва адвокатлар томонидан жиноят ишларида ҳимоячи сифатида иштирок этиш стандартидан ташқари муайян иш ҳолатлари ва танланган ҳимоя позициясидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва шу йўриқлар асосида адвокат иш олиб боради.

Дилшода опа, қайси ишларни умуман олмайсиз, яъни аралашмайсиз? Борми шунақа ишлар?

Албатта бор, мана масалан жинсий зўравонлик ишларини олишни умуман ёқтирмайман, аниқроғи олмасликка ҳаракат қиламан, аммо на илож олишимизга тўғри келади гоҳида. Амалиётимда бир неча йиллар аввал шундай бир ҳолат бўлганки, бир қиз бир йигит(мижозим)га ҳақиқатан туҳмат қилган, шу жинсий зўравонлик масаласида. Йигитнинг яқинлари мендан илтимос қилишди, шу ишга аралашишимни ва ишни ўрганиш жараёнида амин бўлдимки, йигит ҳақиқатан бу ишда беайб. Ва бу борада биринчи судга мурожаат қилганимизда 7 йил беришди, иккинчи судда 5 йилга қисқартиришди. Иккинчи судда менга нисбатан суд томонидан ҳийла ишлатишди. Яъни суд вақтини менга бошқа соатда кўрсатиб, суд бошқа соатда ўтказилгани бўлди. Шунда мени мижозимга суд вакиллари «адвокатингга айтиб қўй, бошқа ёзмасин» дея қаттиқ талаб қўйишган экан. Буни менга мижозим айтган. Шундан сўнг мижознинг менга раҳмати ва илтимосини инобатга олиб ишни охиригача олиб бормадим, акс ҳолда охиригача олиб боришга қатъий тайёр эдим.

Судьялар мустақиллиги хусусидаги фикрларингизни ҳам билсак...

Судьялар мустақил эмас қабилида адвокатларнинг эътирозлари йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки фуқаролик ишларида баҳсли жиҳатлар кўп. Бу эса ўз навбатида судья ва адвокат қарашлари ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Шахсан менда ҳеч қачон судьялар билан ҳеч қанақа муаммо юзага келмаган, яъни мен била туриб қандай айтишим мумкин «судьялар мустақил эмас» деб. Биласизми, агар адвокат ҳақиқатан юқори саводхон, қўлидаги ишни яхши ўрганган бўлса, қандай қилиб судья қонунни четлаб ўтиши мумкин? Судьялар адвокатга қарайди барибир, агар ишда адвокатнинг позицияси қонун нуқтаи назаридан тўғри бўлса, ўйлайманки бу ўринда судья ҳеч қачон қонундан ташқари иш қила олмайди. Адвокатлар ҳам турлича бўлади. Кимдир кучли адвокат, яна қайси бири ишни яхши ўрганмай туриб ишга киришади. Мен одатда катта ишларни оламан. Олганда ҳам шунчаки олмайман, ишни обдон ўрганиб чиқаман. Шу ўринда яна бир масалани айтиб ўтай, нима учун мижоз адвокатини ўзгартиради, бошқа адвокат излайди? Сабаби, мижознинг ҳақиқатан унга нисбатан адолатсизлик бўлаётганини яхши англаб турибди, аммо унинг ҳақлигини исботлашга у танлаган адвокатнинг билими деймизми ёки хоҳиши деймизми йўқ. Шундай ҳолат мени тажрибамда бўлган. Мижоз менга мурожаат қиляпти 500 млн сўмдан юқори сумма уни бўйнига қўйилган ва у қамоққа олиниши керак. Ваҳоланки мижоз бу суммани тўлашга мажбур эмас, унга нисбатан адолатсизлик бўляпти. Шунда мижоз менга мурожаат қиляпти ва мен унинг илтимоси билан ишга аралашяпман. Бу иш ҳимоя остидаги шахснинг ўзи томонидан, унинг илтимосига кўра ёки розилиги билан бўляпти. Суд Тошкентда бўляпти. Делолар бир неча томли бўлган. Мен билан биргаликда унинг биринчи адвокати ҳам ёнимда турибди. Ҳалиги ҳамкасбимиз «Опа, шунча делоларни ҳаммасини ўқийсизми?» деди. Ва мен албатта ҳаммасини ўқиб чиқиб сўнг ишга киришимни билдирдим. Ҳолбуки ўша адвокат мазкур иш учун ниҳоятда катта гонорар олган. Дейлик шу иш учун менга 5 млн гонорар тўланган бўлса, нариги адвокатга 30 млн гонорар тўланган. Кўряпсизми адвокатларни ўзини ҳам ишда айби борлигини ошкор қилмайди. Судьялар мустақил эмас, дейишдан аввал адвокатлар ҳам ўзим иш билан тўлиқ танишиб чиққанманми/йўқми ёки шу ишнинг охири нима билан якунланишини ҳуқуқий билимим ва тажрибамга таяниб тўғри прогноз қила оламанми/йўқми деган саволни қўймайди. Бу билан мен адвокатлар ноҳақ, судья ҳақ дейиш фикридан йироқман. Айтмоқчиманки, истисноли ҳолатлар бўлиб туради. Бу баъзи ҳолатларда тушунмовчилик натижасида, баъзида судья ёки адвокатнинг савияси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Муҳими, судларда қонун устуворлиги ҳукмрон. Модомики судлар мустақил эмас экан унда қандай биз мувафаққиятга, яъни оқлов ҳукмларига эришяпмиз? Ҳамма гап шундаки, адвокат ўз ишини чиройли – бенуқсон бажарса, яъни обдон ўрганиб, эринмай изланиб ишга киришса, табиийки судья ҳам унинг музокара нутқида айтилаётган фактларига қулоқ тутади. Агар адвокат музокара нутқини хом-хатала ёзиб, боз устига вақтим йўқ дея ўша нутқни ҳам чиқиб минбарга ўқишга ярамаса, унда уёғини ўзингиз хулоса қилаверинг. Қарс икки қўлдан деганларидек адвокат ўз устида ишлашни тўхтатмаслиги ва амалий тажрибаси кўп бўлиши керак. Адвокат нафақат ҳимоячи, балки балки инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи шахс ҳамдир. У нафақат ҳуқуқий ёрдам беради, балки ноқонуний аралашувларнинг олдини олиб, шахснинг шахсий фазилатларига ҳурмат билан ёндошиши ва инсонийлик тамойилларига амал қилишини ёддан чиқармаслиги зарур!

Гонконгда (Opening of the Legal Year 2026)га бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди



Жорий йилнинг 18-19 январь кунлари, Гонконг шаҳрида ўтказилган Юридик йилнинг тантанали очилиш маросими **(Opening of the Legal Year 2026)**га бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда дунёнинг барча мамлакатларидан адвокатура соҳасининг етук мутахассислари иштирок этдилар.

Халқаро конференцияда хорижий экспертлар томонидан адвокатуранинг охирги тенденциялари муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари Аслиддин Махаммадиев делегация аъзоси сифатида иштирок этди.

Тадбир доирасида, Гонконг юридик жамияти вакилларига Палата раиси ўринбосари А.Махаммадиев Ўзбекистонда бугунги кунда адвокатлик фаолиятининг умумий ҳолати хусусида атрофлича маълумот берди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва тажриба алмашиш бўйича фикр-мулоҳазалар, бундан ташқари, жорий йилларда яқин ҳамкорликда янги долзарб лойиҳалар бўйича ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш ниятида эканлигини билдирди.

Бинобарин, тадбир режасига кўра, Гонконг қонунчилар Кенгаши ва Гонгконг Олий судида ҳам учрашувлар ташкил қилинди ва уларнинг иш фаолиятлари билан хорижлик меҳмонлар атрофлича танишишди.

Адвокатлар палатаси Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Жиноят ишларини кўришда суд адолатининг таъминланиши, аввало, томонлар тенглиги ва тортишув тамойилига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Жиноят-процессуал кодексида суд жараёнида айблов ва ҳимоя томонларининг тенг ҳуқуқли эканлиги мустаҳкамланган. Бу тамойил фақат декларатив қоида эмас, балки ҳар бир суд мажлисида амалда намоён бўлиши шарт бўлган асосий мезонлардан биридир. Аммо амалиётда айрим суд жараёнларида мазкур тамойил мазмунан заифлашиб, шаклангина сақланаётгани кузатилмоқда. Айрим ҳолларда суд муҳокамаси жонли тортишувга эмас, балки олдиндан маълум бўлган сценарийга ўхшаб қолмоқда. Прокурор томонидан айбловнинг чуқур асосланмаслиги, далилларни ҳар томонлама таҳлил қилинмаслиги ҳолатлари кам бўлсада учраб турибди. Бу эса жиноят процесси моҳиятига зид ҳисобланади.

Суд адолатининг асоси – тенглик ва тортишув тамойили

Тортишув тамойилининг моҳияти шундаки, айблов ва ҳимоя томонлари суд олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳар бири ўз позициясини далиллар орқали асослайди. Суд эса бетараф ҳакам сифатида томонлар келтирган далилларни холисона текширади. Ҳар бир далилга ҳуқуқий баҳо беради. Айблов ва ҳимоя томонларнинг билдирган фикрларни эшитади ва ҳукмни фақат судда текширилган далилларга таянган ҳолда қабул қилади.

Суд жараёнида агар прокурор нутқи умумий ва формал тус олса, тортишув тамойили амалда йўққа чиқади. Чунки ҳимоя томонининг баҳсига сабаб бўладиган аниқ ҳуқуқий позиция шаклланмайди. Натижада суд муҳокамаси «тортишув» эмас, балки «тасдиқлаш маросими»га ўхшаб қолиши табиий.

Прокурорнинг мажбурияти фақат қоралашдан иборат эмас

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, прокурор фақат айбловчи эмас, балки қонун устуворлигини таъминловчи шахс ҳам ҳисобланади. Прокурорнинг вазифаси айбни ҳар қандай ҳолатда исботлаш эмас, балки ҳақиқатни аниқлашдан иборатдир. Шу сабабли прокурор судда айбни тасдиқловчи ҳолатлар билан бир қаторда, судланувчини оқловчи ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам баён этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Амалиётда эса баъзан прокурор нутқида фақат қораловчи жиҳатлар тилга олиниб, ишда мавжуд бўлган оқловчи ҳолатлар умуман эътибордан четда қолаётганлиги кўпчилик учун сир бўлмаса керак. Бу ҳолат эса судни бир томонлама маълумот билан таъминлашга олиб келади.

Ҳолбуки, адолатли суд ҳукмининг асоси – ишнинг барча ҳолатларини суд жараёнида тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона ўрганишдан иборатдир.

Далилларни текшириш – формал эмас, мазмунли жараён бўлиб, бу жиноят ишида далиллар – суд ҳукмининг асосий пойдевори ҳисобланади. Аммо баъзан суд жараёнида далиллар чуқур таҳлил қилинмайди. Ўзаро зиддиятлари очиб берилмайди. Ҳар бир далилларнинг ишончлилигига танқидий баҳо берилмайди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза хулосалари, тергов ҳаракатлари натижалари айрим ҳолларда фақатгина ўқиб эшиттирилиб, мазмунан муҳокама қилинмасдан қолиб кетиши ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳолатда суд ҳукмининг ҳақиқий асоси шаклланмайди. Суд адолати эса фақат ишда «бор» далилларга эмас, балки уларнинг қандай текширилгани ва қандай баҳоланганига боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак.

Адвокатнинг ҳимоя нутқи – суд муҳокамасининг муҳим қисмини ташкил қилади. У фақат айбланувчини оқлашга уриниш эмас, балки ишдаги зиддиятларни кўрсатиш, далилларнинг ишончлилигини текшириш, қонун нормаларининг тўғри қўлланишига эътибор қаратиш, судланувчининг тақдирига таъсир этувчи ҳукмларнинг оқибатларини судга англатиш каби вазифалардан иборатдир.

Суд жараёнида прокурор ва ҳимоя ўртасида тортишув муҳити заиф бўлган ҳолда ҳимоя нутқи ҳам керакли таъсирга эга бўлмайди. Агар айблов томони аниқ ва асосли позиция билдирмаса, ҳимоя томонининг баҳси ҳам мазмунан чекланиб қолади.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Суд амалиётида тортишув тамойилининг реал ишлашини таъминлаш мақсадида, прокурор нутқининг мазмунига нисбатан аниқ талаблар ишлаб чиқилиши лозим.

Прокурор судда фақат айбни эмас, ишда мавжуд барча оқловчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам баён этиш мажбуриятини амалда қатъий бажариши шарт.

Судлар далилларни формал ўқиш билан чекланмасдан, уларни мазмунан муҳокама қилиш, зиддиятларни очиш ва ҳуқуқий баҳолашга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Судьялар учун тортишув жараёнини фаол бошқариш, томонларнинг ҳақиқий баҳсини таъминлашга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Суд – инсон тақдири ҳал этиладиган муқаддас даргоҳ. У ерда формаллик эмас, ҳақиқат устувор бўлиши керак. Тенглик ва тортишув тамойили мазмунан ишламас экан, суд адолати тўлиқ қарор топмайди. Шу боис, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳар бири – судья, прокурор ва адвокат – ўз вазифасига фақат қонун нуқтаи назаридан эмас,

балки инсон тақдирига масъуллик ҳисси билан ёндошмоғи лозим.

Адолатли суд – жамиятга ишонч берадиган суддир

Судьянинг роли: бетараф ҳакамми ёки пассив кузатувчими?

Тортишув тамойили фақат прокурор ва адвокатнинг фаоллиги билан эмас, балки судьянинг позицияси билан ҳам бевосита боғлиқ. Судья бетараф ҳакам сифатида тортишувни бошқариши, уни рағбатлантириши лозим. Амалиётда эса баъзан судья жараённи фақат баённаштириш даражасида бошқариб, томонларнинг фаол баҳсига етарлича шароит яратмайди. Ҳолбуки, судья томонлар келтирган далиллар ўртасидаги зиддиятларни очишга, умумий, ноаниқ фикрлар ўрнига аниқлаштирувчи саволлар беришга, формал нутқ билан чекланиш ҳолатларига йўл қўймасликка мажбурдир. Агар прокурор нутқи мазмунан саёз бўлса, судья унинг позициясини ойдинлаштириши, айбловнинг аниқ асосларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу судьянинг айблов томонини қўллаб-қувватлаши эмас, балки суд жараёнини ҳақиқий тортишув майдонига айлантириш вазифасидир.

Сўнгги йилларда айблов нутқларининг «шаблонлашуви» тенденцияси кузатилмоқда. Турли ишларда деярли бир хил иборалар, бир хил конструкциялар қўлланилади. Судланувчининг шахси, ишнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳолатларнинг индивидуаллиги етарлича акс этмайди. Бу ҳолат қуйидаги салбий оқибатларга олиб келади, яъни ҳар бир ишга индивидуал ёндошув сусаяди; жазо тайинлашда формаллик кучаяди; суд ҳукмлари ҳам бир-бирига ўхшаш, қолипли тус олади.

Жиноят эса ҳар доим аниқ шахс, аниқ ҳолат, аниқ вазият билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун айблов ҳам, ҳимоя ҳам қолипли эмас, индивидуал бўлиши шарт.

Тортишув тамойили – фақат процессуал қоида эмас, балки инсон ҳуқуқларининг кафолатидир. У инсонни асоссиз жазодан ҳимоя қилиш механизми ҳисобланади. Агар айблов танқидий текширилмаса, агар ҳимоя фикрлари етарлича эшитилмаса, суд адолати эмас, суд формализми қарор топади.

Халқаро ҳуқуқий стандартлар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси ҳам суд муҳокамасида томонлар тенглиги ва тортишув ҳуқуқини адолатли судловнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этади. Бу тамойилларнинг мазмунан бузилиши суд қарорининг қонунийлигига шубҳа уйғотади.

Адвокат – фақат айбланувчининг вакили эмас, балки суд адолатининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Унинг вазифаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу сабабли адвокатнинг суддаги сўзига тўлиқ имконият берилиши, унинг илтимосномалари формал рад этилмаслиги, ҳимоя позициясига нисбатан «шунчаки қаршилик» сифатида эмас, ҳуқуқий нуқтаи назар сифатида муносабат билдирилиши муҳим аҳамият касб этади. Агар адвокат заиф бўлса жамиятда фуқаро ҳам заиф бўлади. Чунки ҳар бир фуқаро эртами ёки кеч суд эшигига мурожаат қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Суд жараёни – бу фақат жиноятга ҳуқуқий баҳо бериш эмас, балки инсон тақдирини ҳал қилишдир.

Суд жараёнларида прокурор айбловни чуқур асослашга, адвокат ҳимояни фаол олиб боришга, судья эса ҳақиқий тортишув муҳитини яратишга мажбурдир. Фақат шу ҳолдагина суд адолат даргоҳига айланади. Акс ҳолда эса у формал ҳукм ва қарорлар чиқариладиган муассасага айланиб қолиш хавфи туғилади.

Фуқаро судга ишониши учун суд ҳақиқатни аниқлаши ва тўпланган барча далилларга ҳуқуқий баҳо бериши керак. Ҳақиқат эса фақат тортишув орқали аниқланиши асло унутмаслигимиз керак.

Айрим ҳолларда биринчи босқич судида прокурор далиллар етишмаслиги, судланувчини айблашга асос йўқлигини била туриб жазо сўрайди ва суд жазо қўллайди, лекин апелляция судлов ҳайъати судланувчини тўлиқ оқлайди савол туғилади, нега прокурор биринчи суд босқичида оқлов сўрамайди?!

Айрим жиноят ишларида шундай манзара кузатилади, биринчи инстанция судида прокурор иш материалларида айбни исботловчи етарли ва ишончли далиллар мавжуд эмаслигини англаб туриб ҳам, судланувчини айбли деб топишни ва жазо тайинлашни сўрайди. Суд эса бу позицияни қўллаб-қувватлаб, айблов ҳукмини чиқаради. Бироқ апелляция босқичида иш қайта кўриб чиқилиб, апелляция судлов ҳайъати томонидан судланувчи тўлиқ оқланади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



Жумабой РЎЗИЕВ,
«Бухоро» Адвокатлар ҳайъати адвокати

Табиий савол туғилади: агар ишда айбни исботловчи далиллар етарли бўлмаса, нега прокурор биринчи босқич судида оқлов сўрамайди?

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, прокурорнинг асосий вазифаси — ҳар қандай ҳолатда айбловни қўллаб-қувватлаш эмас, балки қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳақиқатни қарор топтиришдан иборат. Прокурор иш бўйича далилларни холисона баҳолаб, айб исботланмаган деб ҳисобласа, у суддан оқлов ҳукми чиқаришни сўраш ҳуқуқига ҳам, мажбуриятига ҳам эгадир. Бироқ амалиётда айбловдан воз кечиши ёки оқлов сўраши камдан-кам учрайди.

Апелляция инстанциясининг тўлиқ оқлов чиқариши шуни кўрсатадики, ишда дастлабки терговда айбни исботловчи етарли асос бўлмаган. Демак, биринчи босқичда ҳам прокурор қонунга таянган ҳолда оқлов сўраш имкониятига эга эди. Ушбу имкониятдан фойдаланмаслиги эса шахснинг асоссиз равишда судланиши, озодлиги чекланиши, унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етишига олиб келади. Агар айб судда ишончли далиллар билан исботланмаса, прокурор айбловдан воз кечиб, оқлов сўрашга мажбур. Бу унинг заифлиги эмас, балки ҳуқуқий етуклиги ва касбий ҳалоллигининг ифодасидир. Фақат шу ҳолдагина прокурор ва адвокатнинг жиноят процессида тортишув тамойили ҳақиқий мазмун касб этади ва суд адолати формал эмас, мазмунан қарор топади!

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси БУЙРУҚ

2026 йил 15 январь 1-ум-сон

Адвокатларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш, адвокатлик нуфузини ошириш, танлов ғолиблари ва иштирокчиларининг ижобий тажрибасини кенг тарғиб қилиш, билим даражасини адвокатлик касбининг халқаро тан олинган стандартлари даражасигача яхшилаш, юқори малакали мутахассисларни аниқлаш, адвокатларнинг касбий мулоқоти учун қулай шароит ва муҳит яратиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқарувининг 2025 йил 30 октябрдаги 8-сон қарори билан «Адвокатлар ўртасида ўтказиладиган касбий танлов тўғрисида»ги Низомнинг 3.1-бандига асосан 2025 йил якуни бўйича адвокатлар ўртасида касбий танлов ўтказиш эълон қилинганлиги ижро учун қабул қилинсин.

2. 2025 йил якуни бўйича ўтказиладиган касбий танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш учун Адвокатлар ўртасида ҳар йили ўтказиладиган касбий танлов тўғрисидаги Низомнинг 3.3-бандига кўра, қуйидаги таркибда Ташкилий қўмита тузилсин:

Махаммадиев Аслиддин Ахтамович – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари – қўмита раиси;

Саидов Давронбек Абдиримович – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқарув аъзоси – қўмита раиси ўринбосари;

Убайдуллаева Элеонора Ниаматжановна – «BUSINESS ADVOCATE» адвокатлик бюроси адвокати – қўмита аъзоси;

Самигджанов Фазлиддин Рафкатович – «ADVOKAT SAMIGDJANOV» адвокатлик бюроси адвокати – қўмита аъзоси;

Таиров Зафар – «ZAFAR MUZAFFAROVICH TAIROV» адвокатлик бюроси адвокати – қўмита аъзоси;

Саломов Бахром – «SANCTALEX» адвокатлик фирмаси адвокати – қўмита аъзоси;

Марипова Севарахон Арибжановна – «NOVES-FEMIDA» адвокатлик фирмаси адвокати — қўмита аъзоси;

Амиров Жасур Олимжон ўғли – «QOMUS» адвокатлар ҳайъати адвокати – қўмита аъзоси;

Абдуллаев Абдумалик Набижонович – «JUSTIK CHAMBER» адвокатлик фирмаси адвокати, Бошқарув аъзоси – қўмита аъзоси;

Алтиев Разоқ Саидович – «BISINESS LAWYERS GROUP» адвокатлик фирмаси адвокати – қўмита аъзоси;

Рустамова Гулноза Носиржоновна – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Қонунчилик бўлими етакчи маслаҳатчиси – қўмита котиби.

3. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Раис **Ш. Садиков**

Коррупцияга қарши курашиш: қадимги ва замонавий методлар

Коррупция маънавий нуқтаи назардан ахлоқсизлик ва иллат, ҳуқуқий жиҳатдан жиноят ҳисобланади.

Коррупция – замонавий жамиятнинг энг хавфли ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб, у давлат бошқаруви барқарорлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминланишига бевосита таҳдид ҳисобланади.

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида коррупция «демократия ва қонун устуворлигига путур етказувчи глобал хавф» сифатида баҳоланади.





Дилрабо БЕКБЕРГЕНОВА,
УрДУ Юриспруденция йўналиши II босқич талабаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги сиёсатни давлат ривожланишининг устувор вазифаси сифатида белгилаб: «Биз коррупция ҳақида кўп гапирамиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади», деган эдилар.

Ҳозирги глобаллашув даврида коррупцияга қарши курашиш нафақат бир давлат доирасида, балки халқаро даражада ҳам курашиш зарурати янада ошди. Бинобарин, коррупция ҳеч бир давлатга фойда келтирмайди, аксинча, мамлакатдаги демократик ислоҳотларга, мамлакатнинг халқаро майдондаги имижи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

2025 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги ўз нутқида «Коррупцияни ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов» деб атади ҳамда бу борада келгусидаги вазифаларни белгилаб берди.

Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро тажрибада қуйидагилар асосий манба сифатида эътироф этилади: Халқаро ва қадимги манбалар...

Қадимги дунёда баъзи қабилаларда муайян мавқега эга бўлиш учун унинг сардорига турли совға-салом бериш одатидан коррупциянинг илдизлари бошланган экан. У вақтларда бу амал одатий ҳол деб қабул қилингани табиий. Бироқ, жамият ҳаётининг мураккаблашуви ва марказлашуви коррупциянинг мамлакат ривожига катта тўсиқ эканини кўрсатди.

Геродотнинг хабар беришича, қадимги Форс давлати – Аҳамонийлар салтанатида шоҳ Кир II нинг ўғли Камбиз II даврида пора олган судьянинг тириклайин териси шилиниб, курсисига тортиб қўйилган ва унинг ўғли шу вазифага тайинланганки, токи судда иш кўраётган чоғида қайси курсида ўтирганини унутмасин. Русларда 1556 йилда Иван Грозний томонидан порахўрлик учун ўлим жазоси жорий этилганлиги ҳақида тарих китобларида ўқишингиз мумкин.

• БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси (2003) – коррупцияни инсон ҳуқуқларига таҳдид сифатида белгилайди.

• ЕХҲТ ҳужжатлари – адолатли судлов, тенглик ва шаффофликни таъминлашда коррупциянинг олдини олиш муҳимлигини таъкидлайди.

• Transparency International – коррупция даражасининг инсон фаровонлигига салбий таъсири бўйича рейтинглар тақдим этади.

Ўзбекистон манбалари: **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонун (2017);

• 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида мустаҳкамлади;

• Президент фармон ва қарорлари;

• Коррупцияга қарши кураш агентлиги ҳисоботлари.

Унутмайликки, коррупция – тараққиёт кушандаси. Унга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Коррупцияга қарши кураш – бу жиноятчиликка қарши курашдан ҳам кенгроқ тушунча бўлиб, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашнинг ажралмас шартидир!

Эзгуликка бахшида умр

Инсон умри бир нафаслик, деймиз. Аммо шу бир нафас ҳам кишининг ўзидан катта мерос қолдириши, хотираларда абад сақланувчи ишларни қилиши, яхши гаплар билан эсланиши учун етарлидир. Бундай инсонлар бошқаларга ўрнак бўлади. Турли илмий ва бадиий асарлар учун қаҳрамонга айланади.



Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси тизимида фаолият юритаётган «Urganch adolat nuri» адвокатлик бюроси адвокати Иброҳим Юсупов ҳам ана шундай том маънода ибрат бўладиган, ҳалол-пок яшаб, одамлар орасида алоҳида ҳурмат қозонган, юксак мартабага эришиб келаётган адвокат, шоир ва ёзувчи сифатида довруғ қозониб келмоқда.

Иброҳим Юсупов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг «Осмон тўлсин қушларга», «Бир дунё севинч», «Бўри ётоғидаги қотиллик», «Яхши ният», «Дилдаги тилакларим» каби қатор китоблари республикамизнинг донгдор нашриётларида чоп этилган. У мазкур асарлари орқали жамиятнинг бош мақсадига айланган инсонни эъзозлаш ғоясини тараннум этади.

Ҳуқуқшунос – адвокатлар, мазкур соҳага энди қадам қўяётган толиби илмлар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун ажойиб туҳфалар бўлаётган мазкур китобларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ва адвокатларнинг шарафли ҳаёт йўллари чиройли образларда ёритилган. Бир сўз билан айтганда, ибратли умрларнинг оташин ҳикояларидан ташкил топган. Уларни ўқиш чоғида баъзан қаҳрамонларга таҳсин айтасиз, баъзида юзингизга табассум югуради, баъзан эса кўзингизга ёш келади...

Қаҳрамонимиз Хоразм вилояти «Urganch adolat nuri» адвокатлик бюроси адвокати Иброҳим Юсупов 1958 йилда Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Морбўгат қишлоғида таваллуд топган.

У 1983 йилда Тошкент Олий милиция мактабини тугатиб, вилоят ички ишлар бошқармасида, Гурлан, Хива ва Янгиариқ туманлари ички ишлар бўлимларида масъул лавозимларда фаолият юритган. И.Юсупов 2016 йилдан буён адвокат вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

У шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш уларни адвокатура ва бадиий ижодга бўлган иштиёқини кучайтириш мақсадида вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳар таълим даргоҳларида ўқувчилар ва талабалар учун мулоқот



соатларида фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан жорий йилнинг то бугунги кунига қадар Гурлан туманидаги 1-сонли умумий таълим ўрта мактабида, тумандаги «Азамат тиббиёт ва касб таълими маркази»да, Урганч ихтисослаштирилган санъат мактабида ҳамда Гурлан туманидаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактабларида адвокат ким, адвокатлик касби, ҳуқуқий ҳимояда уларнинг иштироки, соҳада амалга оширилаётган ишлар, адвокат имижи ва мавзу юзасидан атрофлича тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Учрашувларда ўқувчилар ёхуд талабаларни адвокатура ва бадиий ижодда қизиқтирган саволларига бақадри имкон жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек ўзининг сара шеърларидан намуналар ўқиб бериб, келгуси авлод вакилларида илм ва ижодга бўлган қизиқиш ҳамда орзу-ҳаваслариниг рағбатланишига кўмаклашмоқда.

Табиийки, фидойи ва камтарин адвокат, истеъдодли адиб Иброҳим Юсупов иширокидаги учрашувлар қизиқарли баҳс ва муноразаларга бой бўлади.

Дарҳақиқат, эл-юрт ҳурматини мерос қилиб бўлмайди. Унга фақат умр бўйи ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб, ёниб яшаган кишиларгина эришади.

Иброҳим ака, сиз мана шундай кишилар тоифасидан эканлигингиздан адвокатурамиз ҳар қанча фахрланса арзигуликдир!

Ўз мухбиримиз

ADVOKAT PRESS
Муассис: «ADVOKAT MEDIA» МЧЖ
Ахборот ҳамкоримиз: Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси

Бош муҳаррир: Воҳид АҲМАД
2021 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 1154-сон билан рўйхатга олинган.
Телефонлар: Қабулхона: (71) 230 25 51
Бош муҳаррир: (97) 479 14 41, Факс: (71) 230 25 51.

Таҳририятга келган қўлёзмаларга тақриз ёзилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета «Advokat media» МЧЖ компьютер марказида терилиб, саҳифаланди. А4 форматда, 32 саҳифада «XXI ASR MEDIYA-NASHRIYOT-MATBAA UYI» МЧЖ босмахонасида 2350 нусхада чоп этилди.
Босмахона манзили: 100080, Тошкент шаҳри Миробод тумани Мунис кўчаси,50-А уй. Буюртма № 35
Бизга ёзинг: Тошкент шаҳри 100142, Буюк Ипак йўли 471 уй.
E-mail: info@advokatnews.uz, advokatmedia@mail.ru.
Web-site: www.advokatnews.uz. Telegram: Advokatnews.uz

Масъул котиб
Шаҳноза ХОЛСАИДОВА
Саҳифаловчи-дизайнер
Азамат ЖУМАНИЯЗОВ
Босмахонага 28.01.2026 йилда топширилди.